

10. Kadirova Sh.A., Xolboyev A.O. Sanoat ishlab chiqarish korxonalarida moddiy resurslarni rejalashtirish va ulardan tejamli foydalanish. // Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики. 2022. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sanoat-ishlab-chiqarish-korxonalarida-moddiy-resurslarni-rejalashtirish-va-ulardan-tejamli-foydalanish> (дата обращения: 27.04.2023).

11. Рахматов З.Н. & Рашидов Д.Н. Пути совершенствования механизма разработки маркетинговой стратегии АО «Ўзтемирўйўловчи». INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022, 2 (17), 55-60. 2023.

12. Зиёдулла Р. ZR Решение проблемы на рынке пассажироперевозки через маркетинговые коммуникации. Архив научных исследований, 1 (21). 2020. Извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2110>

13. Рашидов Д. Ўзбекистонда инклюзив меҳнат бозори истиқболлари: аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захиралаш: ҳолат, муаммолар ва таклифлар. 2022. Scienceweb academic papers collection.

14. Умарова Д.Р. & Егамбердиева Х.А. Оценка готовности вуза к будущим вызовам рынка труда. In Проблемы интеграції освіти, науки та бізнесу в умовах глобалізації. Київський національний університет технологій та дизайну. 2021.

15. Rashidov D.N., Kadirova Sh.A. & Karimova Z.A. Mehnat bozorida teng shartlarda raqobatlasha olmaydiganlar, ayniqsa, nogironlarni zahiralangan ish o'rinlariga ishga joylashtirish muammolari. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 2), 281-285. 2022.

16. Рахматов З. & Эргашев Ш. Значение технологии блокчейн в повышении эффективности процесса грузоперевозок в АО «Ўзбекистон темир ўйлари». // Экономика и образование, 24 (1), 499-504. 2023. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/984>.

17. Odilov A.K., Umarova D.R. & Ulmasova L.O. 4-sanoat inqilobi davrida inson resurslari menejmentining roli va uning kelajakdagi istiqbollari. Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики, 1 (1), 5-9. 2022. doi: 10.24412/cl-36899-2022-1-5-9

18. Kadirova Sh.A., Bustanov X.G. Роль менеджмента в развитии предпринимательства в современных рыночных условиях. // Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики. 2022. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-menedzhmenta-v-razvitii-predprinimatelstva-v-sovremennyh-rynochnyh-usloviyah> (дата обращения: 27.04.2023).



ЖАҲОНДА КАМБАҒАЛЛИК МУАММОСИ, УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Азизова Малиҳа Фаррух қизи
ЎЗМУ иқтисодий факультети
ўқитувчиси

doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a80

Аннотация. Жаҳонда камбағаллик муаммоси, келиб чиқиш сабаблари ва иқтисодий оқибатларини чуқур ўрганиб, шу билан бирга, камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий барқарорликка эришиш бўйича хориж тажрибалари таҳлил қилиниб, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича илмий-услубий ва амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, қашшоқлик, аҳоли турмуш даражаси, аҳоли даромадлари, аҳолининг табақалашуви,

ПРОБЛЕМА БЕДНОСТИ В МИРЕ, НАПРАВЛЕНИЯ ЕЕ ЛИКВИДАЦИИ И ПОВЫШЕНИЯ БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ

Азизова Малиха Фаррух кизи
Преподаватель экономического факультета УзМУ

Аннотация. Глубоко изучив проблему бедности в мире, ее причины и экономические последствия, в то же время, проанализировав зарубежный опыт сокращения бедности и достижения экономической стабильности, представлены научно-методические и практические предложения и рекомендации по сокращению бедности и улучшению жизни населения. положение населения в нашей стране.

Ключевые слова: бедность, уровень жизни населения, доходы населения, расслоение населения,

THE PROBLEM OF POVERTY IN THE WORLD, ITS ELIMINATION AND PEOPLE'S LIVELIHOOD WAYS TO IMPROVE WELL-BEING

Azizova Maliha Farrux kizi
Teacher of the Faculty of Economics of UzMU

Annotation. Having deeply studied the problem of poverty in the world, its causes and economic consequences, at the same time, analyzing foreign experiences in reducing poverty and achieving economic stability, scientific-methodical and practical suggestions and recommendations are presented for reducing poverty and improving the living conditions of the population in our country.

Keywords: poverty, standard of living of the population, income of the population, stratification of the population,

Кириш. Камбағалликка қарши кураш БМТ томонидан 2000-2015 йиллар учун қабул қилинган Минг йиллик декларацияси мақсадлари қаторидан ўрин олди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, бу даврда камбағаллар сони 1,9 млрд. кишидан 726,8 млн. кишига қадар қисқарган.

Бозор муносабатларида тақсимот тенгсизликка қурилган экан, жамият аъзолари даромадлари табақалашган бўлиб, адолатли ва адолатсиз тенгсизликни юзага келтирадигани, биз бу жараёнда юзага келадиган табиий ва ижтимоий сабабларни кўрамиз. Маълумки, кишилар табиатан жисмоний ва ақлий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг иш қобилияти, билими, малакаси, маҳорати ишбилармонлиги бирлигида кўринади. Лекин киши қобилиятининг камол топиши, ривожланиши ва унинг юзага чиқиши ижтимоий сабабларга боғлиқ жиҳатлари ҳам бор. Жамиятда инсон саводли, қобилиятли ва эгаллаган малакасига яраша иш билан банд бўлиши, умуман, фойдали фаолият билан шуғулланиши шарт [1]. Биологик жиҳатдан эса ҳар бир киши бир хил истеъдодга эга эмас, қобилиятларда тафовут табиатан мавжуд. Кузатишлар шуни кўрсатадики, кишиларда туғма қобилиятнинг ўзи етарли бўлмай, уни ишга солиш имкониятлари ва иқтисодий-сиёсий тизим ҳам бевосита тенгсизликка таъсир этади. Ўз навбатида, даромадлардаги тенгсизлик турмуш даражасининг ҳам табақалашуви олиб келди. Бу фарқ, аввало, шаҳар билан қишлоқ аҳолиси ўртасида, айрим кишилар, оилалар, жамоалар ва ҳудудлар ўртасида кузатилди ва кишиларнинг жамиятда «бой», «ўртаҳол», «мулкдор» ёки «камбағал» ва «қашшоқ» деган қатламларини вужудга келтирди. Кишилар даромадидаги табақалашув эса аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг фарқланишини ҳам бошлаб берди ва турли давлатларда турли хил кўринишда намоён бўлди. Камбағаллик ва бойлик муаммоси азалдан мавжуд бўлиб, доимо ижтимоий муаммолар ҳамда зиддиятларни, ҳаттоки, қуроли тўқнашувларни келтириб чиқарган. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида даромадларнинг тенгсизлиги мавжуд бўлар экан, бу маълум даражада мулкий тенгсизликни келтириб чиқаради, натижада бой ва камбағаллик реал воқеликка айланади.

Шу нуқтаи назардан таъкидлаш керакки, камбағалликнинг олдини олиш, уни қисқартириш борасидаги дунё мамлакатлари амалиётида мавжуд бўлган тажрибалар, усуллар ва мезонларни ўрганган ҳолда, Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатлар камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириб бориши долзарб мавзу бўлиб қолаверади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Камбағаллик муаммоси жуда мураккаб бўлиб, унга таъсир этувчи омиллар, камбағалликни қисқартириш юзасидан бир қатор олимлар тадқиқот олиб борганлар. Айниқса, Нобель мукофоти совриндори Амартия Сен [2] асарларида аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари, камбағалликни камайтириш учун билим эгаллаш, аҳоли саломатлиги ва инсонларнинг узоқ умр кўриши, касалликлардан холи бўлиш ва бошқа имкониятларни инсонларга яратиш зарурлиги батафсил илмий жиҳатдан ўрганилган. Жаҳонда камбағалликни камайтириш бўйича олиб борган тадқиқоти учун америкалик Майкл Кремер ва келиб чиқиши асли ҳиндистонлик бўлган Абхиджит Банерджи ҳамда унинг рафиқаси Эстер Дюфло 2019 йили Нобель мукофоти сазовор бўлдилар. Улар камбағалликни аниқлаш ва уни бартараф этиш борасида ижтимоий инновацияларни татбиқ этишди [3].

Америкалик иқтисодчи олим Ангус Стюарт Дитон 2015 йилда «Истеъмол, камбағаллик ва фаровонликни таҳлил қилгани учун» Нобель мукофоти совриндори бўлди. У иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган ва камбағалликни қисқартирадиган иқтисодий сиёсатни шакллантириш учун, биринчи навбатда, аҳамиятли омиллар сифатида ҳар бир истеъмолчи қандай танлов қилишини, аҳоли даромадлари ва қийин вақтларда аҳоли истеъмол даражаси ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилди [4]. Даниялик олим Геста Эспинг – Андерсон [5], америкалик олим Джеффри Сакс [6] ва бошқа олимлар томонидан камбағаллик масаласи мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизим муаммолари билан боғлиқ ҳолда ҳамда аҳоли фаровонлиги муаммолари сифатида тадқиқ этилган.

Замонавий иқтисодий назария отаси ҳисобланган Адам Смит: “Камбағаллик инсон табиати ёки одат бўйича талаб қилинадиган эҳтиёжни сотиб олишга қурби етмаслигидир”, – [7] деб таъриф беради. У таърифда жамият одатлари келтириб чиқарган эҳтиёжларни ҳам эътиборга олиш орқали камбағаллик замирида нисбийлик элементи ҳам мавжудлигига ишора қилади, бироқ ўша даврларга хос тарзда моддий эҳтиёжларни қондириш қобилиятини кўриб чиқиш билан чекланади.

Неолиберализм мафкурачиси Фон Хайек камбағалликни инсоният тараққиётидаги табиий ҳодиса ва у жамият манфаати учун зарур [8] деб қарайди. Охириги пайтларда камбағаллик, асосан, даромаднинг борлиги ёки йўқлиги нуқтаи назаридан, инсоннинг камбағаллиги кўпроқ унинг яхши овқатланиш имкони ёки яшаш уйининг қандайлиги билан белгиланмоқда. Аммо камбағаллик даромаднинг ёки инсонлар-

нинг истеъмоли учун қабул қилган калорияларнинг камлигига қараганда ғоят кенг қўламдаги тушунчадир. Бу узоқ, соғлом ва онгли ҳаёт кечириш ҳамда яхши турмуш даражаси, озодлик, қадр-қиймат, ғурур ва ўзгаларни ҳам қадрлаш даражасига эришиш учун кенг қўламда зарур бўладиган имкониятлар ва танлаш ҳуқуқидан маҳрумликдир.

Россиялик иқтисодчи А.А.Разумовнинг фикрича, камбағаллик ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига таъсир қилади, у маълум бир шахс, маълум оила ва умуман, жамиятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу аҳолининг сифат кўрсаткичлари ёмонлашишига, ижтимоий-иқтисодий ва гендер тенгсизлигининг ошишига олиб келади, муваффақиятли ижтимоий ривожланишнинг пасайишига олиб келиб, ижтимоий офатларнинг сабабчиси бўлиши мумкин. Камбағаллик нафақат озик-овқат ва кийим-кечак, уй-жойнинг етишмаслиги, одамлар учун зарур бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишнинг етишмаслиги, балки ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсани, ҳеч бўлмаганда энг паст даражада олиш учун етарли пул етишмаслигидир. Россия камбағаллигининг ўзига хос хусусияти шундаки, рус камбағалларининг 50 фоиздан ортиғи меҳнатга лаёқатли, шу жумладан, 42 фоизи иш билан банд. Камбағаллик борасидаги бу кўрсаткичлар, ҳақиқатан ҳам, Россия меҳнат бозорида ҳамма нарса «хавфсиз» эмаслигини кўрсатади. Агар меҳнат бозорида мавжуд бўлган муносабатлар ва замонавий иш билан таъминлаш ва иш ҳақи схемалари ишчилар орасида бундай юқори даражадаги қашшоқликка олиб келадиган бўлса, бу туб иқтисодий ислохотлар, ижтимоий сиёсат чоралари йўқлиги ёки уларнинг самараси йўқлиги ва юқорида айтиб ўтилганлар ушбу масалаларнинг илмий асосланмаганлигидан далолат беради [9].

Норвегия халқаро иқтисодий муносабатлар институти тадқиқотчиси, иқтисодчи Д.Молдокановнинг фикрича, камбағаллик кўп қиррали ҳодисадир. Бу нафақат одамларнинг қанча пул топиши, балки одамларнинг уй-жойи бор ёки йўқлиги, таълим ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имконини намоён қилади. Камбағаллик даромад кўрсаткичлари орқали ўлчанади ва статистик идоралар томонидан уй хўжалиқларини ўрганиш орқали истеъмолининг кўрсаткичлари аниқлаштирилади. Барча камбағаллик кўрсаткичлари инсон истеъмолининг пул эквиваленти билан боғлиқ бўлади. Чунки одамларнинг турли товар ва хизматлар истеъмоли, аввало, уларнинг тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилиши билан боғлиқ [10]. Машҳур иқтисодчи олимлар С.Фишер, Р.Дорнбуш ва Р.Шмалензи фикрича, камбағаллар даромадла-

ри жамиятнинг ҳозирги истеъмоли стандартлари доирасида эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмаган жисмоний шахслар ва уй хўжалиқларидир. Баъзи оилалар жисмонан тирик қолишга имконияти мавжуд бўлса-да, ахлоқий-маданий жиҳатдан чекланади. Бойси уларнинг даромадлари белгиланган даражадан анча паст бўлади [11].

Камбағаллик табиати, вужудга келиш сабаблари ва унинг ўлчовини аниқлаш билан соҳага улкан ҳисса қўшган социолог тадқиқотчи олим Роунтри ўзининг туғилган шаҳри Йоркда (Буюк Британия) оилалар орасида камбағалликни ўлчаш мақсадида маълумот тўплашга қарор қилади, унинг мақсади камбағалликни ўлчаш билан чекланмай, унинг табиатини ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Натижада камбағалликнинг дастлабки таърифларидан бири келтирилади ва Роунтри фикрига кўра, камбағал оила умумий даромадлари жисмоний самарадорликни таъминлаш учун минимал эҳтиёжларни қоплашга ҳам етарли бўлмаган оиладир. Мазкур таърифга тўғри келувчи оилалар салмоғини ҳисоблаш учун Роунтри даромадга асосланган камбағаллик чегарасини яратди [12]. Бунда даромад оила аъзоларининг озуқавий эҳтиёжлари, кийим-кечак ва уй анжомларини энг кам миқдорда қондириш учун зарур бўлган пул маблағи билан ўлчанди ва ҳозирда кенг қўлланилаётган камбағаллик чегараси концепциясига асос солинди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳам камбағаллик, унинг келиб чиқиши иқтисодий оқибатлари ва қисқартириш йўналишлари бўйича илмий тадқиқот олиб боришган. Жумладан, иқтисодчи олим А.Вахабовнинг фикрига кўра [13], камбағаллик ҳаёт кечириш, меҳнат қилиш қобилиятини такрор ишлаб чиқариш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган ҳаётини эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичдир. Камбағаллик нисбий тушунча ҳисобланиб, ҳар бир жамиятда қабул қилинган турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади. Камбағаллик ҳолатида яшаётган аҳоли қатламлари қуйидаги тўққиз ҳолатдан камида тўрттасидан маҳрум бўлган кишилар ҳисобланади:

- ижара ёки коммунал тўловларни тўлаш;
- ўз уй-жойини етарли даражада иситиш;
- тасодикий харажатларни қоплаш;
- гўшт, балиқ ёки уларнинг ўрнини босувчи маҳсулотларни икки кунда бир истеъмоли қилиш;
- уйдан ташқарида камида бир ҳафталик хордиқ чиқариш;
- автомобиль;
- кир ювиш машинаси;

- рангли телевизор;
- уяли алоқа ёки телефон.

Юқоридаги келтирилган тўққизта вазиятдан камида тўрттасини бажара олмайдиган кишилар моддий ресурсларнинг етишмаслиги ҳолатида яшаётган аҳоли қатламлари ҳисобланиб, уларга ижтимоий муҳтожлик нафақалари тайинланади. Иқтисодчи олим Ш.Шодмоновнинг фикрига кўра [14], камбағаллик ҳаёт учун муҳим бўлган биламчи эҳтиёжларни қондира олмайдиган, ишга лаёқатли бўлиб, ўз наслини давом эттириш учун етарли даромадга эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий ҳолатидир. Худди марксистлар ғояси каби ғарб либерал назариясида ҳам камбағаллик, шахс ёки унинг оиласи ҳаётини эҳтиёжларини қондириш учун воситалар бўлмагандаги ҳолатини англатади.

Иқтисодчи олим Н.Бекнозовнинг фикрича [15], камбағаллик киши ўзининг асосий эҳтиёжлари учун пул маблағлари етарли бўлмаган, мулк ва бошқа ресурслар билан нисбатан кам таъминланган, моддий ва маънавий эҳтиёжларининг паст даражада қондирилишидир. Камбағаллик моддий неъматлардан ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг қуйи чегараси доирасида фойдаланишни ифодалайди.

Яна бир иқтисодчи олим М.Х.Ғаниев фикрига кўра [16], камбағаллик барча ижтимоий-иқтисодий тизимларда намоён бўладиган, ўзгарувчан даромадлар тенгсизлиги ва бошқа ижтимоий, иқтисодий, тиббий, экологик ва демографик жараёнлар билан боғланган муносабатларнинг маҳсули бўлиб, инсонларнинг минимал истеъмоли учун зарур неъматларнинг етарли бўлмаслигини намоён қилади. Қашшоқлик эса узоқ давом этган камбағалликнинг натижаси бўлиб, инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурсларни харид қилиш имкониятининг йўқлигини билдиради. Албатта, камбағаллик категорияси орқали ифодаланган ижтимоий муносабатларни инсоннинг қобилиятлари ва уларнинг иқтисодий ҳаётда қай даражада ишга солинаётганлигини намоён қилади. Турли иқтисодий тизимларда бу жараён бир-биридан фарқланади.

Тадқиқот методикаси. Камбағалликнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш ва уни қисқартириш ва шу билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлили ва натижалар. Инсон жамиятдаги барча сиёсий жараёнларда фаол иштирокчи

бўлиши, бунинг учун дастлабки зарур моддий неъматлар билан таъминланиши, билим олиши ва турли касалликларда даволаниши керак бўлади. Бунда иш ўрнига эга бўлиш, бизнесни юритишда кредит олиш механизмлари яратилганлигига жиддий қаралади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1992 йилнинг 12 декабрида А-RES-47-196-сонли резолюция қабул қилиб, ҳар йили 17 октябрни «Халқаро қашшоқликка қарши кураш куни», деб эълон қилган. Қашшоқлик инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар етишмаслиги, бундан ташқари очлик ва тўйиб овқатланмаслик, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланишда чекловларнинг мавжудлиги, турар жойнинг йўқлиги, хавфли табиий ва техноген муҳитда ҳамда ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилади (БМТнинг «Ижтимоий ҳимоя борасида юқори даражадаги Бутунжаҳон саммити»дан). Юқоридаги таърифдан келиб чиқиб, алоҳида қабул қилинган камбағалликни аниқлаш услуги асосида жами даромади (ёки харажати) белгиланган камбағаллик чегарасига етмаган аҳоли қатламини камбағал, ҳаёт кечириши учун зарур эҳтиёжларини мутлақо қондириш имконияти бўлмаган қатламни эса қашшоқ аҳоли деб эътироф этиш мумкин.

Жаҳон банки учун ҳам камбағаллик муаммосини қисқартириш муҳим йўналишлардан бири бўлиб, унинг томонидан камбағаллик категорияси қуйидагича изоҳланади. «Камбағаллик кўп ўлчамга эга бўлиб, инсонларнинг аниқ даромадларга эга бўлмаслигидир. Бу кам даромадга эга инсонларнинг яшаш учун зарур бўлган асосий товар ва хизматларни етарли даражада сотиб ололмаслиги, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва таълимнинг ёмонлиги, тоза сув ва санитария шароитининг ёмонлашиб бориши, хавфсизликнинг етарли эмаслигини билдиради» [17]. Бу таърифнинг муҳим жиҳати шундаки, камбағалликнинг сабаби сифатида етарлича бўлмаган даромадларга эътибор берилади. Аҳоли даромадлари камлиги ёки умуман йўқлиги тирикчилик воситаларини сотиб ололмаслигини келтириб чиқаради. Етарлича овқатланмаслик эса касаллик ҳамда камбағалликка йўл очади. Бугунги кунда ҳар икки халқаро ташкилот ўз фаолиятида умумжаҳон муаммоларга, хусусан, жаҳонда камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Инсон ишчи кучи бўлиши билан бир қаторда тадбиркорлик қобилиятига, маънавий-руҳий кучга эга бўлиб, уларни амалиётда ишга солади ҳамда такрор ишлаб чиқаради. Инсоннинг руҳияти, маънавияти, манфаати, эҳтиёжларини қондириш зарурати уни меҳнатга ундайди, ночор аҳволга тушмаслик чораларини кўра-

ди. Шунинг учун ҳам инсон иқтисодий фаолият билан шуғулланади ва иқтисодий муносабатлар занжирида «иқтисодий инсон» тарзида намоён бўлади.

Халқаро миқёсда ривожланган мамлакатларнинг камбағалликни қисқартириш тажрибаси, асосан, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш кўришида намоён бўлмоқда. Бу жараёни амалга оширишда давлатнинг тегишли органларига қараганда нодавлат тузилмаларнинг ўрни ортиб бораётганлиги яққол кўзга ташланади. Бу борада АҚШ моделининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда давлат органларининг иштироки минимал даражага туширилган бўлиб, нодавлат секторининг фаолияти биринчи ўринга кўтарилган. Давлат нодавлат секторининг ижтимоий хизматлар соҳасидаги фаолиятини фақат молиялаштиришда ёрдам беради. Шунингдек, бу борада тадбиркорлик субъектларининг нодавлат секторига йўналтирилган маблағлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Камбағалликни камайтиришда АҚШ моделига хос жиҳатлар қуйидагилардан иборат [18]:

1. Мамлакатда иш ўринларини яратиш орқали оилаларни камбағаллик даражасидан олиб чиқиш. Янги иш жойлари яратилишини рағбатлантириш.

2. Сифатли ижтимоий хизматларни ривожлантириш ва ижтимоий товарлар имкониятларини кенгайтириш.

3. Арзон уй-жойлар ҳажмини кўпайтириш. Уйсизлар кўплигини инобатга олиб, яқка тартибда уй-жой қурувчиларга уй қуриш ва таъмирлашга имтиёзлар берилиши.

4. Кам таъминланган оилалар, ота-оналарга ёрдам беришда уларнинг фарзандларига арзон хизматлар кўрсатиш, махсус субсидиялар бериш йўлга қўйилган.

5. Мамлакатда камбағалларга озик-овқат учун ойига 200 доллардан маблағ берилади. Бундан ташқари камбағаллар кундалик эҳтиёжлар учун нафақа олишлари мумкин. АҚШда ишсизлик нафақаси 710 долларни ташкил этади.

Хайрия ташкилотларининг ўрни юқори даражада. Мамлакатда 50 фоиз камбағаллар федерал ёки маҳаллий тиббий суғуртага эга.

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда Германияда катта тажриба тўпланган. 2019 йил маълумотларига кўра, мамлакат аҳолиси 83,1 млн. нафар бўлиб, аҳоли сони бўйича дунёда 18-ўринни эгаллайди. Худудининг майдони 357,408,74 км²ни ташкил қилади [29], ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,685 триллион доллар бўлиб, аҳоли жон бошига тахминан 44550 долларни ташкил этади. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юқори бўлган мамлакат ҳисобланади.

Мамлакатдаги мавжуд бўлган камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий ҳимоя модели «Корпоратив», «Континентал» ёки «Бисмарк» деб ҳам аталади ҳамда Европа мамлакатлари орасида энг самарали модель сифатида эътироф этилади. Бунинг сабаби нисбатан мукамал бўлган ижтимоий таъминот тизимини Европада биринчи жорий этган мамлакат Германия бўлди. Мамлакатда 1890 йилларда Бисмарк даврида камбағалларни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя тизимининг асосини ташкил қилувчи «Саноат ишларида касалликларни суғурталаш тўғрисида»ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тўғрисида»ги ва 1891 йилда «Ногиронлик ва қарилликни суғурталаш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган.

Хитой. Ҳаракатларнинг умуммиллий хусусияти Хитойда сўнгги 40 йилда 800 миллиондан ортиқ киши камбағалликдан чиқарилган, бу дунё бўйича камбағалликдан чиққан кишилар умумий сонининг 70 фоизини ташкил этади. Шундай қилиб, бу мамлакатда камбағаллик даражаси 94 фоиз қисқарган. Бу ютуқнинг бош омили камбағалликка қарши курашдаги ҳаракатларнинг умуммиллий хусусияти бўлиб, унга давлат аппарати, партия, хусусий сектор ва жамоат ташкилотлари жалб қилинган.

1-жадвал

Хитойнинг камбағалликни баратараф этиш босқичлари [20]

Босқичлари	Ислоҳотлар ва дастурлар
1978-1985 йй.	Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурлари ва камбағалликни қисқартириш
1986-1993 йй.	Иқтисодий ривожланишга йўналтирилган камбағалликни қисқартириш дастурлари
1994-2000 йй.	Камбағаллар сонини 7 йилда 80 млн. кишига қисқартириш давлат режаси
2001-2010 ва 2011-2022 йй.	Камбағал қишлоқ худудларига ёрдам кўрсатишнинг мақсадли дастурлари
2021 йил	Камбағалликнинг баратараф этилиши

Хитойда мутлақ камбағаллар сони 1993 йилда 661 млн. киши ёки Хитой аҳолисининг 57

фоизини ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 2016 йилда 6,9 млн. киши ёки мамлакат аҳоли-

сининг 0,5 фоизига қисқариб, 2021 йилда Хитой ҳукумати томонидан мамлакатда қашшоқлик тугатилганини эълон қилди.

Илмий тадқиқотларда Хитойнинг қашшоқликни тугатиши борасидаги маълумотлари борасида шубҳа мавжуд. Айрим тадқиқотчилар фикрича, мамлакатда қашшоқлик расмий жиҳатдангина бартараф этилган [21]:

- мамлакатда камбағалликни аниқлашда Жаҳон банкининг чегара кўрсаткичига нисбатан жиддий даражада паст кўрсаткич белгиланган;

- мамлакатнинг марказий ва шимоли-ғарбий минтақалари ҳозирда ҳам иқтисодий жиҳатдан қоқлигича қолмоқда;

- маълумотларнинг биртомонламалиги, яъни фақат Хитой ҳукумати, унинг расмий ташкилотларига тегишли эканлиги.

Камбағалликка қарши курашнинг Хитой тажрибаси борасидаги зиддиятли фикрларга қарамасдан, 1978 йилда мамлакатнинг паст даромадли мамлакатлар гуруҳидан чиқиши тўғрисидаги режа муваффақиятли бажарилди.


Ҳиндистон. Замонавий Ҳиндистон жадал суръатларда ривожланаётган жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бири ҳисобланади. 2020 йил натижаларига кўра, Ҳиндистон ялпи ички маҳ-

сулоти 10,2 трлн. доллар ёки жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 7,2 фоизини ташкил этди [22].

Ҳиндистон 1991 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича узоқ муддатли стратегияни амалга оширишга киришди. Мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига интеграциялаш вазифаси бажарилди. Охирги ўн йилликда ташқи савдо квотаси ЯИМга нисбатан 30 фоизга (ислоҳотларгача бўлган даврда 10-15 фоиз), хориждан жалб этилган хорижий инвестициялар миқдори ўртача 50 млрд. долларга етди [23].

Ҳиндистонда кўп ўлчовли камбағаллик индексига мувофиқ, 2015-2018 молия йилларида камбағаллик даражаси 2007-2011 молия йилларидаги 52,7 фоизга нисбатан қисқариб, 27,9 фоизни ташкил этган.

Ҳиндистон миллий статистикаси маълумотларига кўра, ислоҳотлар даврида камбағаллик даражаси қишлоқларга нисбатан шаҳарларда сезиларли даражада пасайган. Камбағалларнинг 80 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Қишлоқ аҳолиснинг 25 фоизи, шаҳар аҳолиснинг 14 фоизи қашшоқликда кун кечиради. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаби Ҳиндистон иқтисодиётида аграр соҳа етакчилик қилади [24].



1-расм. Ҳиндистонда камбағаллик даражасининг ўзгариши, % [25]

Ҳиндистонда камбағалликка қарши кураш чоралари 1974-1979 йилларда қабул қилинган бешинчи беш йиллик режаларида фаоллашди. Бу даврда Ҳиндистон қатор ижтимоий муҳим маҳсулотларнинг давлат томонидан нархини қатъий даражада белгилаб қўйди, субсидиялар ажратила бошланди. 1980 йилларда федерал ҳукумат харажатлари мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 0,5 фоиздан 1990 йилларнинг бошларида 0,7 фоизга қадар ортди. Натижада қашшоқлик даражаси 1980 йилдаги 54,3

фоиздан 1990 йилда 44,3 фоизга қадар пасайди [26].

Ҳиндистон штатлари қашшоқлик даражаси бўйича кескин фарқланади. Жумладан, иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган Уттар Прадеш (60 млн. камбағал), Бихар (36 млн.), Мадхья Прадеш (24 млн.), Орисса (14 млн.), Джаркханд (13 млн.), Раджастхан (10 млн), Чхатисграх (10 млн.) қашшоқлар сони бўйича етакчилик қилади. Ушбу штатлар ҳиссасига жами қашшоқларнинг 62 фоизи тўғри келади (2-жадвал).

Ҳиндистоннинг айрим штатларида камбағаллик даражаси, % [27]

	1973/74 молия йили	1993/94 молия йили	1999/2000 молия йили
Махараштра	53,24	36,86	25,02
Гужарат	48,15	24,21	14,07
Керала	59,79	25,43	12,72
Тамилнад	54,94	35,03	21,12
Уттар Прадеш	57,07	40,85	31,15
Бихар	61,91	54,96	42,60
Мадхья Прадеш	61,78	42,52	37,43
Орисса	66,18	48,56	47,15

Айрим прогнозларга кўра, Ҳиндистон ҳозирги барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қола олса, 2030 йилга қадар камбағаллик даражасини ҳозирги 22,0 фоиздан 8-10 фоизга қадар қисқартира олади [28].

Бугунги кунда дунё бўйича камбағал давлатлар рейтингига аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот даражаси йилига 1025 АҚШ долларидан кам бўлган давлатлар киради. Бу борада Африка мамлакатлари дунёнинг энг қашшоқ мамлакатлари деб тан олинди (3-жадвал).

Дунёдаги паст даромадли мамлакатлар [29]

№	Мамлакатлар	Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот
1.	Мадагаскар	1504
2.	Эритрея	1321
3.	Гвинея	1271
4.	Мозамбик	1228
5.	Малави	1139
6.	Нигерия	1111
7.	Либерия	882
8.	Бурунди	811
9.	Конго Демократик Республикаси	784
10.	Марказий Африка Республикаси	656

Бу мамлакатларда бир меъёрда иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қиладиган муаммолар, яъни ҳарбий можаролар, иқтисодий ривожланишнинг паст даражаси, коррупция, жиноятчилик ва ҳоказолар тўпланган.

Шунингдек, Ҳиндистон ва Хитойда иқтисодий-молиявий фондларнинг муҳим қисми мамлакатда камбағалликка қарши курашишга сарфланмоқда. Боиси дунёдаги камбағалларнинг 23,6 фоизи шу ҳудудларда истиқомат қиладди [30]. “Economist” таҳлилий журналининг маълумотларига кўра, қашшоқлик даражаси 2020 йил охирида 9,9 фоиз, 2030 йилга келиб 5,4 фоизни ташкил этган ҳолда 386 миллион камбағал истиқомат қилишини башорат қилмоқда. Бироқ пандемиянинг халқаро миқёсда оммавий тарқалиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги чекланишлар камбағаллар сонининг ошишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, мамлакатларда камбағалликнинг намоён бўлиши ривожланишнинг тарихий шароитлари, иқтисодий фаолиятга хос бўлган маданий ва технологик имкониятлардан қай даражада самарали фойдаланиш билан изоҳланади. Бу дегани камбағаллик фақат ривожланаёт-

ган давлатларда рўй беришини англатмайди. Камбағаллик ва қашшоқлик энг бой, технологик жиҳатдан ривожланган давлатларни ҳам қамраб олмоқда (3-жадвал). Бу жараён Европа давлатларига ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, Европа иттифоқи мамлакатларида истиқомат қиладиган аҳолининг 17 фоизи ёки 85 млн. нафари камбағал ҳисобланади. Камбағаллик даражаси Европа Иттифоқи давлатларида турлича, Латвияда 27 фоиз, Руминияда 24 фоиз, Болгарияда 22 фоиз, Литвада 21 фоиз, Германияда 16 фоиз, Швецияда 13 фоиз, Данияда 13 фоиз, Австрияда 12 фоиз, Чехияда 9 фоизни ташкил этади [31].

Ўзбекистонда 1991-2019 йиллар давомида «камбағаллик» тушунчаси ўрнига «кам таъминланган аҳоли» термини ишлатилиб, камбағаллик юртимизда кўп йиллар «ёпиқ мавзу» бўлиб келди. Бу эса турли тушунмовчиликларни келтириб чиқарганлиги сир эмас. Ундан олдин эса собиқ тоталитар тузум шароитида инсонга фақат ишлаб чиқариш манфаати нуқтаи назардан ёндашилган ва ишчи кучига инсон шахсиятидан ажралган ишлаб чиқаришнинг шахсий омили сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам камбағал-

лик, ижтимоий табақаланиш тугатилган, халқ фаровонлигини ошириш ва инсонни ҳар томонлама ривожлантириш олий мақсад деб эълон қилинган билан халқнинг бевосита турмуш шароити билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга, ижтимоий-маданий соҳаларга маблағ ажратиш «қолдиқ» тамойили асосида, яъни ишлаб чиқариш эҳтиёжидан, заруратидан ортган, қолдиқ қолган маблағ ҳисобига амалга оширилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда камбағаллик муаммоси мавжудлиги расман тан олинганидан сўнг уни қисқартиришга қаратилган муайян йўналишлар белгилаб олинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида камбағалликка қарши курашиш устувор вазифа сифатида кўрсатилди. Давлатимиз раҳбари “камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш” эканини таъкидлади. Ўзбекистон жамият ҳаётида давлатнинг аҳамиятли иштироки кузатилган ижтимоий типдаги мамлакатлар сирасига киради. Бу давлатнинг фуқаролар олдидаги ижтимоий мажбуриятлари доираси кенг эканини англатади.

Ўзбекистон 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини [32] амалга ошириш доирасида 2026 йил охиригача мамлакатда **камбағаллик даражасини икки бараварга қисқартиришни** режалаштирмоқда. Белгиланган мақсадларга эришишнинг асосий шартлари сифатида макроиқтисодий барқарорлик ва турғун иқтисодий ўсишни юқори суръатларда таъминлаш вазифаси қўйилди. Унга кўра, 2030 йилга бориб ўрта юқори даромадли мамлакатларнинг юқори гуруҳига кириш учун замин яратилади.

Бундан ташқари стратегияга кўра, ушбу мақсадга эришиш учун норасмий ишлаётган 2,5 млн. фуқароларнинг бандлигини қонунийлаштириш, уларга ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини бериш, хотин-қизлар ўртасидаги ишсизликни икки баравар қисқартириш, 700 минг нафар ишсиз аёлларни давлат ҳисобидан ўқитиш, ногиронлиги бўлган одамлар бандлигини 3 баробар ошириш, Ижтимоий кодексни қабул қилиш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари, яъни инсон ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат, маҳсулот ва хизматлар тўплами учун харажатларни ҳисоблаб чиқиш ижтимоий ҳимоя ва камбағалликка қарши курашишнинг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон учун камбағаллик даражасини камайтириш йўлида меҳнатга лаёқатли аҳолининг максимал бандлигига эришиш ва давлатнинг муҳтожларга камбағаллик чегарасидан юқори туришга имкон берувчи ижтимоий қўллаб-қувватлаш пакетини белгилашга қаратилган комплекс ёндашув мақбул.

Хулоса ва таклифлар. Монополия – бозорда фақат битта ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи томонидан маҳсулот етказиб бериш ҳажмининг тартибга солинадиган ва муайян турдаги нархни мустақил белгилайдиган вазият. Ҳар қандай монополияни қуйидаги асосий хусусиятларига кўра ажратиб кўрсатиш мумкин.

Камбағаллик ҳар бир жамият учун хос бўлган кўриниш бўлса-да, унинг даражаси ва кўлами ҳар хил кечади. Камбағаллик даражасини белгилаш турли мамлакатларда ўзига хос ёндашувлар доирасида белгиланади. Чунки мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши, ундаги ресурслар, тарихий қадриятлар, турмуш тарзи, миллий қарашлар, маданият ва урф-одатлар фарқланади. Дунёнинг етакчи мамлакатлари ўзларининг илк ривожланиш босқичида камбағаллик муаммосини давлат даражасида иқтисодий ресурслар мобилизациясини таъминлаган ҳолда, комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ҳал этган. Пандемия даврида камбағалликка қарши курашишда Хитой тажрибасини ўрганиш муҳим ва самарали ҳисобланади. Шу билан бирга, жаҳонда кенг қўлланиладиган ижтимоий ҳимоя усуллари ва чора-тадбирлари аҳолини қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Аҳоли турли ижтимоий қатламларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, камбағалликни қисқартириш борасида жаҳонда тўпланган бой, илғор тажрибани қиёсий таҳлил этиш асосида қуйидаги илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

– меҳнатга лаёқатли аҳолининг максимал бандлигига эришиш ва давлатнинг муҳтожларга камбағаллик чегарасидан юқори туришга имкон берувчи ижтимоий қўллаб-қувватлаш пакетини белгилаш;

– мавжуд ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан ислоҳ қилиш камбағалликни қисқартиришнинг муҳим жиҳати бўлиб, у ёрдамга муҳтожлар қамровини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг манзиллилик даражасини оширишга қаратилиши лозим;

– қишлоқларда камбағалликни камайтириш ва иқтисодий ўсиш учун ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқнинг иқтисодий ихтисослашувини аниқлаб олиш зарур. Қишлоқ аҳолиси инсон салоҳиятини намоён қилиш ва инсон капитали ўсиши учун кўпроқ имкониятларни тақ-

дим этувчи шаҳарларга кўчиб ўтишини рағбат-лантириш лозим;

– камбағалликни қисқартириш нуқтаи назаридан меҳнат бозорида ишчи кучини таклиф этиш сифатини ошириш, жумладан, ишсиз фуқароларни муайян аҳоли пунктида ва микроруманда талаб кучли бўлган ихтисосликлар бўйича ўқитиш дастурларини амалга ошириш;

– аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим

омилларидан бири ишсизлик даражасини пасайтириш ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади. Жумладан, қишлоқ жойларда ишга жойлашиш имкониятини яратувчи, тегишли давлат органлари билан бир қаторда, фуқароларнинг масъулиятини оширувчи, ҳар бир инсоннинг шахсий шароитини ҳисобга олувчи, фаол ва таъсирчан сиёсат юритиш зарур, ушбу мақсадларга жамият ва хусусий сектор ресурсларини жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бекнозов Н. Иқтисодиёт назарияси. – Т., 2005, – 395 б.
2. Сен А. Идея справедливости. – М.: Изд-во Института Гайдара; Фонд «Либеральная Миссия», 2016. С. 520.
3. <https://nplus1.ru/material/2019/10/14/nobeconomic>.
4. Дитон А. Великий побег: Здоровье, богатство и истоки неравенства. – М.: Изд-во Института Гайдара; Фонд «Либеральная Миссия», 2016. С. 368.
5. Эспинг – Андерсен, Гёст. Три мира благосостояния капитализма. – Принстон, Нью-Джерси: Princeton University Press. ISBN 9780069028573.
6. Джефффри Сакс. Конец бедности: экономические возможности нашего времени. – М.: Издательство Института Гайдара, 2011. – 424 с. (англ. The End of Poverty: Economic Possibilities for Our Time, 2005).
7. Smith A. An enquiry into the nature and causes of the wealth of nations. – London: Methuen & Co., Ltd. 1776.
8. Хайек Ф.А. Использование знания в обществе. // American Economic Review, XXXV, No. 4 (September, 1945), pp. 519-30. Дата обращения: 1 апреля 2012. Архивировано 14 марта 2012 года.
9. Разумов А. Бедность в системе отношений на рынке труда: методология анализа, современная ситуация, стратегия преодоления. – М.: Автореферат дис. ... док. экономических наук. 2003. С. 4.
10. Молдоканов Д. Три индикатора бедности: черта, глубина и острота. <https://ekonomist.kz/author/moldokanov/page/2/>
11. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: Дело-ЛТД, 1995. – 864 с. [Fisher S., Dornbush R., Shmalenzi R. Economics. – Moscow: Delo-LTD, 1995. –864 p. (In Russ.)].
12. Rowntree S.B. Poverty: A study of town life. London: MacMillan. 1908.
13. Вахабов А. Ижтимоий иш ва ижтимоий таъминотга кириш. – Т.: Innovatsiya-Ziyo, 2020. 73-б.
14. Шодмонов Ш. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Innovatziya-Ziyo, 2022. – 248 б.
15. Бекнозов Н. Иқтисодиёт назарияси. – Т., 2005. – 400 б.
16. Ғаниев М. Х. “Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиш шароитида аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш йўналишлари” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (dsc) диссертацияси автореферати. – Т., 2023.
17. <https://ru.qwe.wiki/wiki/Poverty>.
18. Users\MIR\Desktop\Черта и уровень бедности в США в 2020-2021 годах_ как живут бедные в Америке.html
19. Bundesländer mit Hauptstädten nach Fläche, Bevölkerung und Bevölkerungsdichte am 31.12.2015, im Juli 2017 wegen korrigierter Fläche revidiert.
20. Андреева И.Г. Путь современного Китая к обществу «Сяокан». / И.Г.Андреева, Ч.Танг. Текст: электронный. // Наука без границ. 2021. № 5 (57). С. 101-108. URL: <https://naukabez-granic.ru/№-5-57-2021/5-57-2021/>
21. Бирюкова Т.В. Маркетинг. Учебно-методическое пособие. Сборник практических заданий. / Т.В.Бирюкова. – М.: Общество с ограниченной ответственностью “Мегаполис”, 2020. – 40 с.
22. List of Countries by GDP (PPP). www.statisticstimes.com/economy/countries-by-gdp-ppp.php.
23. World Investment Report 2020 / UNCTAD. 2020. P. 196-198.
24. Индикаторы мирового развития. Монография. / Коллектив авторов; под ред. Л.М.Капицы. 3 изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2021. С. 284.
25. Сдасюк Г. Новая Индия. География развития: достижения, проблемы, перспективы. Монография. – М.: Канон+ РООИ «Реабилитация», 2021. С. 178.
26. Human Development Report. Various Issues. Kaur R. Poverty and its Causes in India. <https://www.mapsofindia.com/my-india/society/poverty-in-india-and-its-causes>.
27. Kapila Uma. Indian Economy. / Uma Kapila. – New Delhi: Academic Foundation, 2005. P. 203-204.
28. Галищева Н.В. Проблема бедности и пути ее решения в современной Индии в условиях либеральных реформ. // «Мировое и национальное хозяйство», № 2, 2021.
29. Халқаро валюта фонди. Жаҳон банки маълумотлари. Азиева Р.Х. Бедность-эффект нездоровой экономики. // Проблемы современной экономики. N 3 (67). 2018.
30. Sen A. Poverty and Famines. An Essay on Entitlement and Deprivation. – New Delhi: Oxford University Press, 2015. – 257 p.
31. <https://visasam.ru/emigration/canadausa/bednost-v-ssha.html>.
32. <https://lex.uz/docs/5841063>